

**Ролан БАРТ**

Бальзак ўзининг “Сарразин” новелласида аёл кийимини кийиб олган артист ҳақида шундай деб ёзади: “Бу – аёлнинг ўзгинаси эди, унинг ногаҳоний қўрқишлари, англаб бўлмас инжиқликлари, ғайриихтиёрий ташвишлари, бесабаб тўрсликлари, шўх қилиқлари ва мафтункор нозик туйғулари ҳақиқий аёлларга хос эди”. Ким шундай деяпти? Балки аёл қиёфаси остида бичилган йигитни пайқамасликка уринаётган новелла қаҳрамонидир? Ёки ўзининг шахсий тажрибасига таяниб аёл ҳақида фикр юритаётган Бальзак шахсими? Ёки аёл хулқ-атвори ҳақидаги “адабий” тасавурларини очиқ айтаётган ёзувчи Бальзакми? Ёки бу умуман инсонга хос бўлган ҳикматми? Балки бу романтик психологиядир? Биз буни ҳеч қачон билолмаймиз, чунки ёзувда овоз, манбага оид ҳар қандай тушунча йўқ бўлиб кетади. Ёзув – мавҳумлик, ҳар турлилик ва мужмалликнинг шундай бир жиҳатики, бунда бизнинг ўзига хослигимиз йўқола боради, ёзув оқ-қора лабиринт бўлиб, бу ерда ҳар қандай айният, биринчи галда, ёзаётган кишининг жисмоний айнияти йўқолади.

\* \* \*

Эҳтимол, ҳамиша шундай бўлиб келган: агар бирон нарса ҳақида воқеликка бевосита таъсир кўрсатиш учун эмас, ҳикоянинг ўзи учун, яъни шу каби рамзий фаолиятдан ташқари бирон-бир вазифа учун ҳикоя қилинса, охир-оқибатда, овоз ўз манбаидан узилиб қолади, муаллиф учун ўлим яқин келади ва айнан шу ерда ёзув пайдо бўлади. Лекин турли вақтда бу ҳодиса турлича бошдан кечирилган. Масалан, ибтидоий жамиятда ҳикоя айтиш билан оддий одам эмас, балки махсус одам – шомон ёки оқин шуғулланган. Айтиш мумкинки, ҳикоя айтилаётган пайтда унинг “даҳси” билан эмас, шунчаки “перформация”си (яъни ҳикоя коди билан муомала қилиш маҳорати)га қойил қолиш мумкин. *Муаллиф* шахси янги даврга тегишли, афтидан, у бизнинг жамиятимиз томонидан, Ўрта асрлар тугаши билан, мазкур жамиятнинг ўзи учун шахс қадри ва қиммати очила боргани сайин (инглиз эмпиризми, француз рационализми ва Реформация томонидан тасдиқланган шахсий ишонч принципи шарофати билан),

янада дабдабали услуб билан айтганда, “инсон шахси” кашф қилинишига қараб шакллантирилган. Шу боис адабиётда муаллиф “шахси” капитализм мафкурасини хулосалаб, охирига етказувчи позитивизмда<sup>[1]</sup> кўпроқ эътироф топгани мантиқан тўғридир. *Муаллиф* ҳозир ҳам адабиёт тарихи дарсликларида, ёзувчиларнинг таржимаи ҳолида, журнал интервьюларида ва ўз шахси ҳамда ижодини махфий кундалик шаклида бирлаштиришга уринувчи адабиёт аҳлининг онгида ҳукмрон. Муаллиф, унинг шахси, ҳаёти тарихи, диди ва эҳтирослари маданиятимизда яшаётган адабиёт қиёфасига ғов бўлиб, якка ҳукмрон бўлиб турибди. Танқид одатда (ҳозиргача ҳам) Бодлернинг бутун ижоди унинг ҳаётини ноқобиллигида, Ван Гогнинг бутун ижоди эса унинг руҳий хасталигида, Чайковскийнинг бор ижоди унинг иллатларида деб тушунади, асарнинг моҳияти ҳар сафар уни яратган киши шахсидан қидирилади. Гўё, охир-оқибатда, бизга ҳар сафар ўша-ўша одам – *муаллифнинг* овози нозик мажозийлик оралаб “истиғфор айтади”.

\* \* \*

Муаллиф ҳукмронлиги ҳозирча жуда кучли (янги танқид аксарият бу ҳукмронликни мустаҳкамлапти), аммо баъзи ёзувчилар муаллиф ҳукмронлигига путур етказишга уринганлари ҳам шубҳасиздир. Францияда Малларме биринчилардан бўлиб, тилни тил эгаси деб ҳисобланган кишининг ўрнига қўйиш зарурияти туғилганини олдиндан кўра олди. Малларме сўзлаётган муаллиф эмас, тилнинг ўзи, деб фараз қилади (унинг бу фарози бизнинг ҳозирги тасаввурларимизга мос келади), ёзув азалдан хусусиятларга эга бўлмаган фаолиятдир (мазкур қиёфасизликни реалист ёзувчининг бемаънилаштирувчи холислиги билан адаштирамаслик керак). Бу фаолият “мен” эмас, балки тилнинг ўзи ҳаракат қилишига, “перформация” қилишига имкон беради, Малларме поэтикасининг бор моҳияти муаллифни йўқ қилиш, уни ёзувга алмаштиришдан иборат. Бу эса биз амин бўлганимиздек, ўқувчининг ҳуқуқларини тиклаш демакдир. “Мен” руҳий назарияси билан қўл-оёғи боғланган Валери Малларме ғояларини анча юмшатди, лекин у ўзининг классик диди сабабли риторика сабоқларига мурожаат қилди, шу боис тинимсиз равишда муаллифни шубҳа ва кулгига дучор қилди, Малларме фаолиятининг соф тилга оид ва гўё “бехослик”, “тасодифий” табиатини таъкид қилиб, ўзининг барча насрий китобларида адабиётнинг моҳияти

[ SAVIYA.UZ ]. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Сайтдан маълумот олинганда ёки бошқа сайтларга жойлаштирилганда сайт номи ҳаволаси билан кўрсатилиши шарт!

сўзда эканлигини, ёзувчининг руҳий ҳаётига ишоралар бидъатдан ўзга нарса эмаслигини тан олишни талаб қилди. Ҳатто Пруст, ўзининг қалб таҳлили деб аталувчи психологизмида тафсилотларни – ёзувчи ва унинг персонажлари ўртасидаги муносабатларни имкон борича мураккаблаштиришни ўзига вазифа этиб қўйди. Мураккаблаштириш эса руҳиятга беҳад чуқур кириш ҳисобига амалга ошади. Пруст бирон воқеани кўрган ва бошидан кечирган, ҳатто ёзаётган кишини эмас, *ёзмоқчи бўлган кишини* ҳикоя қилувчи этиб танлади ва шу билан замонавий матн эпопеясини яратди. Унинг романидаги ёш йигит ёзишни истайди, лекин бу ишни бошлай олмайди, роман, ниҳоят, ёзиш имкони туғилган паллада тугайди. Бу йигитнинг неча ёшдалиги, ким эканлиги аҳамиятсиз. Пруст туб бурилиш ясади: романида ўз ҳаётини тасвирлаш ўрнига у ўз ҳаётини ўзининг китобидан андоза олган адабий асарга айлантирди. Энди бизга шуниси аёнки, Шарлю Монтескьюдан кўчириб олинган эмас, аксинча, Монтескью ўзининг реал-тарихий ҳаракатларида фақат Шарлюдан ҳосил қилинган парча, қисм ёки бўлакни ифодалайди. Бизнинг ўтмишдошларимиз қаторида сюрреализм охириги бўлиб турибди; албатта, у тилнинг ҳукмронлигини тан олмаслиги мумкин эмас, чунки тил бутун бир тизимдир, шу асно бу ҳаракатнинг мақсади романтизм руҳида бўлгани сингари ҳар қандай кодларни бевосита вайрон қилиш эди. Мақсад амалга ошириб бўлмайдиган даражада хаёлий, чунки кодни бузиб бўлмайди, ундан фақат ўз манфаати йўлида фойдаланиш мумкин. Бироқ сюрреализм ҳамиша кутилган мазмунни кескин равишда бузишга чақиради (бу ўша кўкларга кўтариб мақталган “мазмунга янги либос кийгазиш” усули). Сюрреализм қўл имкон борича тезроқ, ҳатто ақл ўйлашга ҳам улгурмаган нарсаларни ёзишни талаб қилади (бу ғайриихтиёрий матндир), у, асосан, гуруҳ томонидан ёзилган матнни қабул қилди, шундай матнни амалда қўллади ва шу билан муаллиф образини анъанавийликдан йироқлаштириш ишига ўз ҳиссасини қўшди. Ниҳоят, замонавий лингвистика муаллиф шахсини ҳозирги адабиёт (ҳозир бу каби ажратишларнинг умри тугаб бормоқда) доирасидан ташқарида таҳлил этиш ва вайрон қилиш учун қимматли қурол берди. Замонавий лингвистика шу каби мулоҳазалар пуч жараён эканини, ўз-ўзидан содир бўлишини, шундай экан, уни сўзловчининг шахсига доир мазмун билан тўлдиришнинг ҳожати йўқлигини кўрсатиб берди. Лингвистика нуқтаи назарига кўра, муаллиф фақат ёзаётган киши, холос. Худди шунингдек, “мен” – “мен” деган одамдир; тил “шахс”ни эмас, “субъект”ни билади. Тилнинг бор имкониятларини тугатиш учун нутқ актининг ичида ифода этилмайдиган ва нутқ актидан ташқарида ҳеч қандай мазмунга эга бўлмайдиган бу субъектнинг бутун тилни ўз ичига “сиғдириш”и етарли.

\* \* \*

Муаллифни йўқ қилиш бу – шунчаки тарихий факт ёки ёзувнинг кучи эмас: бу билан бутун бир замонавий матн тубдан ўзгариб кетади. Ҳозир матн шу тарзда тузилади ва ўқиладики, муаллиф матннинг барча босқичларида йўқ қилиб юборилади (бу ерда Бартольд Брехтга эргашиб, ҳақиқий “бегоналашув” ҳақида гапириш мумкин – муаллиф адабий “саҳна”нинг энг ичкарисидаги жимит одамча каби жисман кичиклашиб кетади). Аввало, вақт билан боғлиқ истиқбол ўзгача бўлиб қолди. Муаллифга ишонувчилар учун муаллиф ҳамиша ўзининг китобига нисбатан ўтмишда, ўтган замонда фикрлайди, китоб ва муаллиф *аввал* ва *кейин* ўртасини мўлжал қилиб олган умумий ўқда жойлашади. Муаллиф китобни хаёлида *кўтариб юради*, яъни фикрлайди, изтироб чекади, китоби учун яшайди, гўё ота ўз фарзандидан аввал дунёга келиб, кейин уни яратгандек, ўз асарини дунёга келтиради. Замонавий скрипторга<sup>[2]</sup> келсак, у ёзув билан бир вақтда туғилади, у ёзувдан ташқарида мавжуд эмас, ёзувдан аввал ҳам мавжуд эмас эди, у китоби ўзига нисбатан предикат<sup>[3]</sup> бўладиган субъект эмас, у фақат биргина вақтда – нутқий акт вақтида қолади, ҳар қандай матн ҳамиша *шу ерда* ва *ҳозир* ёзилади. Бунинг оқибати (ёки сабаби) сифатида ёзмоқ феълнинг мазмуни эндиликда бирон-бир нарсани ёки воқеликни қайд этиш, тасвирлаш, “чизиш” (худди мумтоз адабиёт вакиллари айтгандек)дан эмас, балки лингвистлар Оксфорд мактаби файласуфларига эргашиб айтгандек, перформативдан иборат. Тилда шундай бир ноёб феъл шакли борки, у фақат ҳозирги замон биринчи шахсида қўлланилади, бунда сўзлаш акти ўз ичига ушбу актнинг ўзидан ташқари, бошқача мазмун ёки бошқача фикрни олади. Масалан, *шу билан* шоҳ номидан *эълон қиламан* ёки қадимий шоир тилидан *куйлайман* каби. Бинобарин, замонавий скриптор муаллифни ўлдиргач, бундан буён ўзидан олдин ўтганлар, яъни ўтмишдошларининг ҳаяжонли қарашларига биноан, қўли фикр ёки эҳтироснинг ортидан улгуролмаяпти, деб ўйлолмайди. Агар шундай бўлса, у мазкур қисматни қабул қилаётиб, бу ортда қолишни ўзи таъкидлаши ва асарининг шаклини тўхтовсиз равишда “пардозлаши” зарур. Агар аксинча бўлса, унинг қўли овоз билан ҳар қандай алоқани йўқотиб, бор-йўғи, чизма (тасвирий эмас) ҳаракатларини бажаради ва дастлабки, бошланғич нуқтаси бўлмаган белгили қандайдир майдонни чизади. Ҳар ҳолда, бу майдон фақат шундай тилдан бошланади,

у эса бошланғич нуқта ҳақидаги ҳар қандай тасаввурни тинмай шубҳа остига қўймоқда.

\* \* \*

Энди биз биламизки, матн ягона, гўёки илоҳий (теологик) мазмунни ифодалайдиган сўзлар занжири (Худо-муаллифнинг “хабари”) эмас, кўп ўлчамли ҳудуддан иборат. Бу ҳудудда ёзувнинг турли шакл ва кўринишлари уйғунлашади ва бир-бири билан баҳсга киришади, уларнинг ҳеч бири бошланғич ёзув бўлмайди, матн минглаб маданий манбаларга ишора қилувчи иқтибослардан тўқилади. Ёзувчи ҳам буюк, ҳам кулгили бўлган ўша абадий нусха кўчирувчилар – Бувар ва Пекюшега ўхшайди. Бу икковининг кулгилилиги айти ёзув ҳақиқатидан *дарак беради*; у аввал ёзилганларга ва кўп марталаб ёзилганларга тақлид қила олади, унинг ихтиёрида фақат ёзувларнинг биронтасига ҳам таянмай туриб бир-бирига қориштириш бор, холос. Агар у ўзини ифодалаб бермоқчи бўлса, ўзи “етказмоқчи” бўлган ички “моҳияти” тайёр луғатдан бошқа нарса эмаслигини билиб қўйиши лозим. Бу луғатда сўзлар бошқа бир сўзлар ёрдамида тушунтирилади ва бу абадий давом этаверади. Агар яққол мисол керак бўлса, ёш Томас де Квинсини келтириш мумкин. Бодлернинг сўзларига кўра, у юнон тилини ўрганишда шу қадар муваффақиятга эришдики, ушбу ўлик тилда замонавий фикрлар ва образларни етказиб бериш учун “ўзига шахсий луғат яратиб олди, бу луғат соф адабий таржималар учун ўртамиёна ҳафсала асос бўлиб хизмат қиладиган луғатлардан каттароқ ва мураккаброқ эди” (“Сунъий жаннат”). Муаллифнинг ўрнига келган скриптор ўзида эҳтирос, кайфият, ҳиссиёт ёки таассуротлар эмас, фақатгина улкан луғатни элтади, бу луғатдан тўхташ нималигини билмайдиган ёзувни ҳосил қилади. Ҳаёт – китобга тақлид, холос, китоб эса белгилардан тўқилган, унинг ўзи унутилган нимагадир тақлид қилади ва бу чексиз давом этаверади.

\* \* \*

Муаллиф йўқ қилинган экан, демак, матннинг “маъносини англаш” (“расшифровка”

қилиш) учун қилинган ҳар қандай уринишлар тамомила беҳудадир. Матнга Муаллифликни бериш бу матнни тўхтатиш, унга яқуний мазмун бериш, ёзувни бўғиш демакдир. Бундай қараш асарда Муаллифни топишни ўзининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайдиган танқидни (ёки унинг жамият, тарих, қалб, эркинлик каби турли кўринишларини) тўла қониқтиради. Агар Муаллиф топилса, демак, матн “тушунтирилган” бўлади ва танқидчи ғалаба қозонади. Шунинг учун муаллифнинг ҳукмронлиги тарихан Танқидчининг ҳам ҳукмронлиги бўлганлиги, шунингдек, ҳозирда Муаллиф билан бир вақтда танқидга ҳам (ҳатто янгисига ҳам) путур етгани маълум бўлиб қолди. Дарҳақиқат, кўп ўлчамли ёзувда ҳамма нарсани *ойдинлаштиришга* тўғри келади, лекин маъносини англашнинг ҳожати йўқ, тузилманинг барча даражаларида ва қайтариқларида уни тузатиш, “тортиш” (худди узун пайпоқнинг сўтилиб кетган ипларини тортиб тузатгандек) мумкин, лекин унинг тубига етиб бўлмайди. Ёзув ҳудуди бизга ёриб ўтиш учун эмас, юриб, босиб ўтиш учун берилган, ёзув ҳамиша мазмунни туғдиради, лекин ўзи шу заҳоти ғойиб бўлиб кетади, мазмун эса муттасил равишда эркинлашиб боради. Шу билан адабиёт (бундан буён ёзув дейиш тўғрироқ бўларди), матнда бирон-бир “сир”, яъни тугал мазмун борлигини эътироф этишни рад қиларкан, ўз фаолиятининг моҳиятига кўра аксиллоҳий (контртеологик), инқилобий эркинликни кашф этади. Чунки мазмун оқимини тўхтатмаслик – охир-оқибатда, Худонинг борлигини ва жамиятдаги оқилна тартиб, фан, қонуннинг мавжудлигини инкор этиш демакдир.

\* \* \*

Бальзак ёзган сатрларга қайтамыз. Сўзларни ҳеч ким (яъни ҳеч бир “шахс”) айтаётгани йўқ: агар унинг манбаи ва овози бўлса, бу манба ва овоз ёзувда эмас, балки ўқиш жараёнида мавжуддир. Буни англашга ғоят оддий бир ўхшашлик ёрдам беради. Сўнгги пайтлардаги тадқиқотларда (Ж. П. Вернан) юнон трагедияларида асосий деб ҳисобланган икки маънолилиқ кўринмоқда. Юнон трагедияларида матн икки хил мазмунга эга бўлган сўзлардан тўқилади, иштирок этувчиларнинг ҳар бири сўзларни бир томонлама тушунади (“фожиавийлик” айнан шу доимий англашилмовчиликдан иборат); бироқ шундай бир кимса борки, у ҳар бир сўзни икки хил маъноси билан биргаликда эшитади, у ҳатто асар иштирокчиларининг ўзларига қараб сўзлаётган

қаҳрамоннинг оғзидан чиқаётган, лекин у эшитмаётган ва тушунмаётган гапларни ҳам эшитади. Бу “кимса” – ўқувчи (ёки тингловчи). Ёзувнинг тугал моҳияти мана шундай намоён бўлади: матн турли маданиятлардан келиб чиқувчи ва бир-бири билан диалог, пародия, баҳс муносабатларига киришувчи ҳар хил ёзувлардан тузилади. Аммо бу кўп сонлилик маълум бир нуқтада жамланади. Бу нуқта шу пайтгача таъкидлаб келишганидек, муаллиф эмас, балки ўқувчидир. Ўқувчи – бу тарихсиз, таржимаи ҳолсиз, руҳиятсиз одамдир, у ёзма матн ҳосил қилувчи барча чизгиларни бир бутун қилиб жамлайдиган *кимса*, холос. Шунинг учун энг янги матн ёзувларини ўзини рийёкорона тарзда инсон ҳуқуқлари учун курашчи қилиб кўрсатувчи қандайдир гуманизм йўлида айблаганга уриниш кулгилдир. Классик мулоҳазага асосланган танқиднинг ҳеч қачон ўқувчи билан иши бўлмаган, унинг учун адабиётда фақат ёзадиган шахс бор эди, холос. Энди бизни бу каби антифразис<sup>[4]</sup> билан алдай олмайдилар. Муҳтарам жамият ўзи сиқиб ташлаётган, инкор қилаётган, янчиб ташлаётган ва йўқ қилаётган нарсани олийжаноб ғазаб билан, истехзоли сўзлар воситасида ҳимоя қилмоқда. Энди биз биламизки, ёзувнинг келажагини таъминлаш учун ёзув ҳақидаги афсоналарни итқитиб ташлаш керак – ўқувчининг туғилиши учун муаллиф ўлими билан ҳақ тўлашга тўғри келади.

Рус тилидан **Рисолат ҲАЙДАРОВА** таржимаси

“Шарқ юлдузи” журнали, 2015–2

---

<sup>[1]</sup> Позитивизм – ҳамма ҳақиқий, позитив билимлар аниқ бир фанларнинг маҳсулидир, фалсафа бундай билимларни бера олмайди, деган қарашга асосланади.

<sup>[2]</sup> Скриптор – (ингл.) ёзаётган, ёзадиган киши маъносида.

<sup>[3]</sup> Предикат – мантиқда муҳокама предметини, яъни субъектини аниқловчи тушунча.

<sup>[4]</sup> Антифразис – қарама-қарши, истеҳзоли маъноларда ишлатилган сўз.